

МАДАЕВА Мўътабархон
Ўзбекистон халқаро исломишунослик академияси
кафедра доценти в.б., PhD,
E-mail: mutabar_aziz@mail.ru,

БИРЛАШГАН МИЛЛАТЛАР ТАШКИЛОТИ ВА ЎЗБЕКИСТОН: РАҚАМЛИ ТРАНСФОРМАЦИЯ ҲАМДА ТАЪЛИМ СОҲАСИДАГИ ЯНГИ ИСТИҚБОЛЛАР

ОРГАНИЗАЦИЯ ОБЪЕДИНЁННЫХ НАЦИЙ И УЗБЕКИСТАН: ЦИФРОВАЯ ТРАНСФОРМАЦИЯ И НОВЫЕ ПЕРСПЕКТИВЫ В СФЕРЕ ОБРАЗОВАНИЯ

THE UNITED NATIONS AND UZBEKISTAN: DIGITAL TRANSFORMATION AND NEW PROSPECTS IN THE FIELD OF EDUCATION

Аннотация: Ушбу Мақолада Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг (БМТ) халқаро муносабатлар тизимидаги ўрни ва аҳамияти, Ўзбекистон Республикасининг мазкур ташкилот билан ҳамкорлик йўналишлари таҳлил қилинади. Шунингдек, мамлакатимизда рақамли трансформация жараёнлари ва таълим соҳасидаги инновацион ислохотлар БМТнинг Барқарор ривожланиш мақсадлари доирасида кўриб чиқилди. Тадқиқотда Ўзбекистоннинг халқаро ташаббуслари, давлат бошқарувида замонавий ахборот технологияларини жорий этиш ҳамда таълим тизимини рақамлаштириш орқали мамлакатнинг барқарор тараққиётини таъминлаш масалалари ёритилган.

Калит сўзлар: Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, рақамли трансформация, барқарор ривожланиш, таълим ислохотлари, инновация, электрон ҳукумат.

Аннотация: В статье анализируются роль и значение Организации Объединённых Наций (ООН) в системе международных отношений, а также направления сотрудничества Республики Узбекистан с данной организацией. Кроме того, рассматриваются процессы

цифровой трансформации и инновационные реформы в сфере образования в нашей стране в контексте Целей устойчивого развития ООН. В исследовании освещаются международные инициативы Узбекистана, внедрение современных информационных технологий в государственное управление, а также вопросы обеспечения устойчивого развития страны посредством цифровизации системы образования.

Ключевые слова: Организация Объединённых Наций, цифровая трансформация, устойчивое развитие, реформы в образовании, инновации, электронное правительство.

Abstract: The article analyzes the role and significance of the United Nations (UN) within the system of international relations, as well as the directions of cooperation between the Republic of Uzbekistan and this organization. It also examines the processes of digital transformation and innovative reforms in the field of education in Uzbekistan within the framework of the UN Sustainable Development Goals. The study highlights Uzbekistan's international initiatives, the implementation of modern information technologies in public administration, and the issues of ensuring sustainable development through the digitalization of the education system.

Keywords: United Nations, digital transformation, sustainable development, education reforms, innovation, e-government.

КИРИШ

XX асрнинг иккинчи ярмида дунё сиёсий жараёнларида глобал ҳамжиҳатлик ва тинчликни таъминловчи халқаро тизимни яратиш зарурати туғилди. Бу эҳтиёж натижасида 1945 йилда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ) тузилди. Унинг асосий мақсади – халқаро тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш, давлатлар ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантириш ҳамда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишдан иборат. БМТ бугунги кунда жаҳон сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳаётида муҳим роль ўйнайди. Унинг фаолияти нафақат тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш, балки барқарор ривожланиш, инсонпарварлик ёрдами, экология ва таълим соҳаларида ҳам самарали йўналишларга эга.

БМТнинг асосий вазифалари ва институционал тузилмаси БМТ Уставига мувофиқ, ташкилот халқаро тинчликни сақлаш, давлатлар ўртасида дўстона муносабатларни ривожлантириш, халқаро ҳамкорликни

мустаҳкамлаш ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш вазифаларини бажаради. БМТ Котибиятининг фаолияти сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва гуманитар масалалар бўйича ихтисослашган департаментлар орқали амалга оширилади. Уларнинг қаторида Сиёсий масалалар ва Хавфсизлик Кенгаши ишлари департаменти, Иқтисодий ва ижтимоий масалалар департаменти, Ижтимоий ахборот бошқармаси ва бошқалар бор [4]. БМТ Бош Ассамблеяси йилда бир маротаба йиғилиб, халқаро аҳамиятга молик масалаларни муҳокама қилади. Зарурат туғилганда, махсус сессиялар чақирилиб, долзарб масалалар юзасидан резолюциялар қабул қилинади.

АСОСИЙ ҚИСМ

Ўзбекистон Республикаси 1992 йил 2 март куни Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзо бўлди. Шу пайтдан бошлаб мамлакат БМТнинг иқтисодий, экологик, гуманитар ва таълим соҳаларидаги дастурларида фаол иштирок этмоқда. Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти Ислон Каримов БМТ Бош Ассамблеясининг бир қатор сессияларида сўзлаган нутқларида халқаро хавфсизлик, терроризмга қарши кураш ва минтақавий барқарорлик масалалари бўйича муҳим ташаббусларни илгари сурган. Бугунги кунда Ўзбекистон БМТнинг Барқарор ривожланиш мақсадлари (Sustainable Development Goals – SDG) доирасида “яшил иқтисодиёт”, “гендер тенглиги”, “камбағалликни қисқартириш”, “инновация ва инфратузилмани ривожлантириш” каби йўналишларда лойиҳаларни амалга оширмоқда.

Мамлакатимиз минтақада тинчликни мустаҳкамлаш ва экологияни муҳофаза қилиш борасида ҳам БМТ платформасидан фойдаланиб, халқаро ҳамкорликни кенгайтирмоқда.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев БМТ Бош Ассамблеясининг 80-юбилей сессиясида сўзлаган нутқида давлат бошқарувида рақамли трансформация жараёнларини жадаллаштириш, инновацион ёндашувларни жорий этиш ва рақамли инсон капиталини ривожлантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратди [1].

“Рақамли трансформация” бугунги кунда давлат секторида самарадорликни оширишнинг асосий йўналишига айланган.

У давлат идораларининг фаолиятини ахборот технологиялари асосида қайта ташкил этиш, фуқаролар учун қулай ва шаффоф хизматлар яратишни назарда тутди. Ўзбекистонда бу борада “Рақамли Ўзбекистон – 2030” стратегияси, “Электрон ҳукуматни ривожлантириш концепцияси” ҳамда давлат хизматчилари учун рақамли компетенциялар дастурлари амалга оширилмоқда. Ушбу ташаббуслар натижасида давлат хизматларининг шаффофлиги, тезкорлиги ва очиқлиги ошмоқда [5].

Таълим тизими ҳар қандай жамиятнинг интеллектуал салоҳияти ва иқтисодий ривожланишини таъминловчи омилдир. Янги Ўзбекистон таълим соҳасида рақамли технологияларни жорий этиш, халқаро стандартларга мос таълим моделини яратиш ва ўқитувчиларнинг ижтимоий мақомини оширишни стратегик устувор йўналиш сифатида белгилаган. Бу эса, таълим тизимини такомиллаштириш ва уни рақамли асосда ривожлантириш — Янги Ўзбекистоннинг барқарор тараққиёти ҳамда жамиятнинг интеллектуал салоҳиятини оширишнинг энг муҳим гаровидир. Бу йўналишда амалга оширилаётган ислохотлар мамлакатнинг жаҳон таълим майдонида муносиб ўрин эгаллашини таъминлайди.

Бугунги кунда 700 дан зиёд давлат хизматлари онлайн тарзда кўрсатилмоқда [1], бу эса таълим соҳасидаги бошқарув жараёнларини ҳам рақамлаштиришга замин яратмоқда. Мактаб ва олий таълим муассасаларида электрон платформалар, онлайн дарслар, масофавий таълим тизимлари ва сунъий интеллект асосидаги таълим ечимлари кенг қўлланилмоқда. Бунда таълим жараёнларига рақамли технологияларни жорий этиш натижасида самарадорлик ва шаффофлик ошмоқда, бу эса замонавий таълим тизимини яратиш ҳамда мамлакатнинг рақамли иқтисодиётини ривожлантиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда. Бу ташаббус эса, таълим жараёнларига рақамли технологияларни жорий этиш натижасида самарадорлик ва шаффофлик ошмоқда, бу эса замонавий таълим тизимини яратиш ҳамда мамлакатнинг рақамли иқтисодиётини ривожлантиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Ўқитувчиларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизими такомиллаштирилиб, халқаро ҳамкорлик асосида “Глобал билим маркази” ва “Ёш етакчилар мактаби” каби лойиҳалар амалга оширилмоқда. Айниқса, таълимда гендер тенглик ва инклюзив ёндашувнинг жорий этилиши натижасида хотин-қизларнинг таълим ва педагогика соҳасидаги фаоллиги 35 фоизга етди.

ХУЛОСА

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти дунё миқёсида тинчлик, хавфсизлик ва барқарор ривожланишни таъминлашда беқиёс аҳамиятга эга халқаро институтдир. Ўзбекистон эса ушбу ташкилотнинг фаол аъзоси сифатида халқаро миқёсдаги долзарб ташаббусларни илгари сурмоқда.

Давлат бошқарувида рақамли технологияларни жорий этиш, фуқаролар учун қулай электрон хизматларни ташкил этиш ва таълим соҳасида инновацион ислохотларни амалга ошириш — Янги Ўзбекистоннинг замонавий ривожланиш стратегиясининг узвий қисми ҳисобланади.

Ўқитувчиларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг рақамли компетенцияларини ошириш ва таълимда илғор тажрибаларни жорий этиш орқали мамлакат ўзининг интеллектуал салоҳиятини мустаҳкамлаб, халқаро майдонда муносиб ўринни эгаллаб бормоқда. Ўқитувчилар - миллий кадримизнинг асоси, келажак авлодни тарбиялайётган сафарбондир. Уларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг билим ва кўникмаларини ошириш орқалигина Янги Ўзбекистоннинг таълим тизими халқаро саҳнада муваффақиятли ўрин эгаллай олади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Давлат хизмати бўйича Форуми иштирокчиларига мурожаати. 23.06.2025 // <https://president.uz/uz/lists/view/8252>. Мурожаат санаси: 24.10.2025.
2. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Устави. Нью-Йорк, 1945.
3. Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2021.
4. United Nations. Sustainable Development Goals Report. – New York, 2024.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Рақамли Ўзбекистон – 2030” стратегиясини тасдиқлаш тўғрисидаги Фармони. – Тошкент, 2020.
6. UNESCO. Education for Sustainable Development Goals: Learning Objectives. – Paris, 2017.